

ANEMIA IN CHILDREN

Ruzimatova Sevarakhon

Teacher Besharik Abu Ali Ibn Sino Community Health College

Abdurashidova Ozoda

Student Besharik Abu Ali Ibn Sino Community Health College

Abstract: According to the World Health Organization, there are 2 billion people living in poverty in the world today. According to statistics, it is worrying that currently 15% of the adult population in the country are adolescents, and 20% of pregnant women are suffering from various degrees of deprivation.

Keywords: Anemia, con, erythrocyte, hemoglobin, cell

БОЛАЛАРДА АНЕМИЯ

**Бешарик Абу Али ибн Сино номли жамоат саломатлиги техникуми
ўқитувчиси Рўзиматова Севарахон . талаба Абдурашидова Озода**

Анотация Жахон Согликни Саклаш Ташкилоти маълумотларига караганда, хозирги дунёда салкам 2млрд одам камконликка учраган. Статистика маълумотларига караганда, хозирги кунда Республикамизда катта ёшли аҳолининг 15% усмирлар, 20% хомиладор аёлларининг эса салкам 70% турли даражадаги камконликка чалинганлиги таъкидланади.

Калит сўз Анемия, кон, эритроцит, гемоглабин, хужайра

Маълумки, кон инсон организмида бетухтов ҳаракатланувчи суюқ туқимадир. У хужайраларга етиб бориб, уларнинг ҳаёт ҳамда физиологик фаолиятларининг бажарилишини таъминлайди. Кон хужайраларга кислород етказиб берадиган ва корбонат ангидрид чиқаради. Овқат ҳазм қилиш органларидан озик моддаларни бутун организмга таркатади. Моддалар алмашинувига маҳсулотни чиқариш органларга (буйракка) олиб боради. Конорганизмни зарарли моддалар ва ёғлардан химоя қилади. У тана ҳароратини доимо бир меъёрга саклашда муҳим аҳамиятга эга. Бирок, хозирги замонга келиб экологик муҳитнинг ёмонлашуви кундалик истеъмол қиلىнган маҳсулотларга керакли дармон дориларнинг етишмаслиги натижасида бир канча касалликлар юзага келмоқда. Бугун ана шу касалликлардан бири булган болаларда камконлик яъни, анемия ҳақида тўхталмоқчимиз.

Болаларда анемия (камконлик) куп учраши оқибатида уларда бефарқлик, ўкиш фаолиятида диккатни жамланмаслиги, чарчоклик каби ҳолатлар юзага келиши мумкин. Болалардаги анемия турли сабабларга қура бошланади. Ота – онаси синчковлик билан ушбу касалликка нима тўртки бўлишини аниқлаши керак. Анемия – ташки ва ички наслий ва орттирилган хомиладорлик ва тугилгандан кейинги потологик ва асосий омиллар

асосида юзага келади. Аёлнинг хомиладорлик давридаги камконлиги болага уз таъсирини утказмасдан колмайди. Болалар учун анемия хафли касаллик сирасига киради.

Анемия - конда эритроцит (кизил кон таначалари) ва гемоглабин микдорининг камайиб кетиши билан юзага келадиган потологик холат. Анемия куйидаги холларда юзага келади:

1. Организм куп кон йукотаётгани (хайзнинг куп келиши, шикастланиш, баъзи касалликлар)
2. Организмда кизил кон хужайраларини ишлаб чиқариш муаммоси мавжуд булса
3. Янги кизил кон хужайралари юзага келишидан олдин мавжуд кон хужайралари тез нобуд булса
4. Юкоридагилар бир вақтнинг узида биргаликда булса.

Организмда гемоглабин даражасининг узок вақт паст булиши болада гипоксия, яъни кислород етишмовчилигига олиб келади. Натижада аъзолар ва туқималар зиен куради. Анемия туфайли болалар жисмоний ва интеллектуал ривожланишдан орқада қолиши мумкин. Камконликнинг келиб чиқишига яна кон яратилиши жараенининг бузилиши тусатдан еки сурункасига кон йукотиш кизил кон таначалари (эритроцитлар)нинг меъридан ортик даражада парчаланиши сабаб булади. Анемия холати конда кизил хужайраларнинг нормадан камрок булиши еки кондаги кизил хужайралар керакли гемоглабин ишлаб чиқара олмаслигига айтилади. Гемоглабин – протеин булиб, конга кизил ранг беради. Унинг асосий функцияси организмдаги барча аъзоларга кон орқали кислород етказиб беришдир. Тана аъзоларига кислород етишмаса улар уз фаолиятини яхши бажара олмайди. Шунинг билан бирга болаларда турли хил потологик холатлар юзага келади. Бундан ташқари анемия меъда-ичак, жигар касалликлари бирданига кон кетиб туриши еки оз-оздан булса ҳам яхши овкатланмаслик овкатларда витаминлар, яъни витамин В12 танқислиги турли юкумли касалликлар, гижжа касалликлари еки организмни холдан тойдиручи сурункали касалликлар баъзи дори моддалар, кузикоринлар, захарлар билан захарланиш камконликка сабаб булади.

Анемия Белгилари Анемия касаллиги инсон хаётининг барча даврларларида нафакат турли касалликларда, балки айрим физиологик холатларда (хомиладорлик вақтида, организмнинг усиши ва эмизикли даврларида) ҳам юзага келади. Айниқса, ёш болалардаги анемия ута ижтимоий ахамият касб этади. Анемиянинг ривожланиши семизлик ва климакс даврлар билан гормонал бузилишлар, овкатланиш харакатери организмда сурилиш жараенининг бузилиши, аутоиммон холатлар ва бошка омиллар билан боглик. Анемия маълум давр ичида ривожланади. Унинг бошида аломатлар деярли сезилмайди. Лекин касаллик ривожланган сари куйидаги аломатлар юзага келади: бош огриши, бош айланиши, бушашиш, яъни доимий чарчоклик кунгил айнаши, титрок, кул ва оекларнинг доимий музлаши, терининг оч рангли булиши юрак уришининг тез уриши еки номунтазам булиши, нафас олишнинг кискариши,- курак кафасдаги огрик, иш фаолиятининг бузилиши, тирнокларнинг муртлашиб қолиши (синиши) лабларнинг куриб оқариши,ковок тагининг корайиб еки кукариб қолиши пульс тезлашиши,товон ва бармок учу териларининг дагаллашиб қолиши ерилиши кучаяда.лаб ерилиши билан юзага келади

Юкоридаги барча белгилар тана аъзоларига етарлича кислород етказиб бериши учун жуда тезрок кон юргизишдан вужудга келади. Анемия холати организмга хавф тугдириши мумкинлиги туфайли албатта даво муолажалари олиб борилиши зарур. Анемия турини билмай туриб уни даволаш фойда келтирмаслиги мумкин. Масалан, темир танкислиги анемиясини белгилари бу умумий белгилари узаро турлича фарк килади. уйкусизлик, мудрок босиши хотиранинг пасайиши, аклий фаолиятнинг пасайиши сочдаги узгаришлар: эрта оқариши, тукилиши, ингичкалаши, мурт булиб қолиши яни синиши учиш кисмининг 2га ажралиши яъни «гуллаш» намоён булади. дисфогия, яъни ютинишнинг кийинлашиши куюк каттик овкатларни ютиш кийинлашуви. хид сезишнинг бузилиш, бензин, керосин, ацетон, буёклар, тамаки, зах хидларига ружу куйиши, таъмининг бузилиш, кесак, бур, кумир, коғоз, тухум пучоги, хамир.ю чой шамаси, хом макарон, ош тузи, тиш пастаси ва шунга ухшаш махсулотларга ружу куйиш.

Анемияни даволаш. Канчадан канча аёллар болалар хар йили шу касалликдан азият чекади. Айниқса, мактаб ешидаги болаларнинг кони туширилганда 90 фоиз бола шу касалликлардан азият чекади. Уйкусизлик, куп ухлаш, баджахиллик, иштахасизлик, иммунитет пастлиги хаммасининг бош омили хисобланади.

Камконликнинг олдини олиш, буйрак, дуккакли сабзавотлар, тофу (соя пишлоги) исмалок, кизил рангли гушт, яшил баргли сабзавотлар, балик, енгок, сабзи, курук мевалар (туршак, майиз ва олхури кокиси) шунингдек, С витаминига бой булган махсулотлар темир моддасини сингишига ёрдам беради (апельсин шарбати, брокколи, кулупнай, кизил ковок, калампир, булгор калампир).

Овкат махсулотларини истеъмол килаётганда чой, кофе ва сут махсулотларини истеъмол килмаслик керак. Чунки у танин моддасини тутганлиги сабабли, темир моддасини сингишига тускинлик килади. Бу махсулотларни 1соат утгач истеъмол килиш тавсия этилади. Кальций ва темирни бир вақтда қабул килмаслик керак. Темир танкислиги касалликларида тартибли камдан-кам 5 – 6 махалгача овкатланиш тавсия этилади. Истеъмол килинаётганда уртача овкатланиш лозим. Яъни, туйиб овкатланмаслигимиз керак. Буни ибн Сино бобомиз хам айтиб утган. Тез-тез кам-камдан овкат истеъмол килиб турилса, темир моддаси сурилиши ортиб, камконлик холати камайиб боради. Нон, дон ермалари, картошка, ун махсулотлари, макарон, шермишел булар кундалик овкатланишнинг асосини ташкил килиши лозим. Инсоннинг 1 кунлик энергияси шу махсулотларга боглик.

Анемияни даволашда тугри овкатланиш рационига риоя килиш билан бирга дори воситаларини куллаш ва препаратлардан фойдаланиш хам самарали натижа беради. Препаратлар касалликнинг кайси боскичдалиги ва бемор холатига караб врач томонидан белгиланади ва назорат килиб борилади.

Анемия касалликларининг тарифи хаёт давомида узгариб туради. Чунки биз яшаётганимизда РБК еки гемоглабин нормал сони узгаради. Гудаклар юкори гемоглабини РБК билан бошланади. Бу хаётнинг илк даврида бир мунча кискартирилади. Болада камконлик белгиларини сезган ота-она энг аввало, кон тушувларини амалга ошириши лозим. Кондаги эритроцитлар ва гемоглабин сонининг курсаткичлари оркали ташхис куйилади. Гемоглабин микдори 110 г/л дан эритроцитлар 3,5х10 г/л дан кам булса анемия ташхиси куйилади. Болада камконлик аниқланганда, нафакат гематолог балки, гастрорентролог, нефролог ва педиатрларга хам мурожаат килиш холлари учрайди. Анемия холатлари 3 даражада кечади:

1. Енгил биринчи даража анемия – нормадан паст 90г/л
2. Урта иккинчи даражали анемия – 90-70 г/л оралигида
3. Огир учунчи даражали анемия – 70 г/л дан паст

Бола дунёга келиб, ушиб ривожланиб борган сари кон таркиби узгариб туради. Унинг кон тизими янги мухитга мослашиб боради. Гемоглабин ва эритроцитларнинг миқдори доимо узгарувчан булади. Айниқса, бир ёшгача булган болаларда. Бу даврда болалар асосан диета билан даволанади. Овкат рациониди темир моддасини куп сакловчи махсулотлар бериш тавсия этилади.

Анемиянинг темир танкислиги анемияси Жахон Хамжамиятини ташвишга солмокда. Жахон Сокликни Саклаш Ташкилотларига кура, ер юзидаги 20-25% чакалоклар, 45% 4 ёшгача булган болалар, туғиш ёшидаги аёлларнинг 51% темир танкислиги камконлигига учраганлар. Темир танкислигини даволашдан кура, уни олдини олиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. 1«Камконликнинг оддий давоси» Илмий-оммабоп нашр. 2013 йил. Тошкент.
2. 2Терапия (Ички касалликлар) М. Ф. Зияева. Тошкент. «Илм -зиё». 2007